

Қозоғистонда биткоиндан фойдаланиш тақиқланди



12:30 / 24.02.2022 2160

Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси биткоин криптовалютадан фойдаланиш масаласига изоҳ берди. Бу ҳақда Total.kz манбаси хабар берди.

«Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси Уламолар кенгаши қарорига кўра, биткоин криптовалютадан фойдаланиш тақиқланган. Унга қуйидаги асослар келтирилган.

Биринчидан, шариатга кўра, ҳар қандай пул давлат томонидан чиқарилиши ва ҳимоя қилиниши керак. Биткоин миллий валюта эмас. Бу давлат идоралари томонидан кафолатланган ва молиявий қонунчилик ва реал активлар билан ҳимояланмаган марказлаштирилмаган виртуал пул.

Ҳар қандай ҳолатда унинг бозори кескин кўтарилиши ёки тушиши ва одамлар бундан азият чекиши мумкин, дейилади муфтийликнинг расмий сайтида.

Иккинчидан, биткоин жараёнлари тез-тез ёпилади ва бу ўз навбатида, шариат томонидан тақиқланган ёлғон ва фирибгарликка олиб келади.

Учинчидан, биткоин валюта ёки товар сифатида масъул томонларнинг назорати остида эмас. Бу ички иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши ва жамиятни беқарорлаштириши мумкин».

Хуршид Маъруф